

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ҲАЛИМОВ СУЛАЙМОН ҒУЛОМОВИЧ

**ШОҲҒАРИБ МИРЗО “ДЕВОН”ИНИНГ ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ
АДАБИЙ МУҲИТИДА ТУТГАН ЎРНИ**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2022

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Халимов Сулаймон Гуломович

Шоҳғариб Мирзо “Девон”ининг темурийлар даври адабий муҳитида
тутган ўрни..... 3

Халимов Сулаймон Гуломович

Роль “Диван”а Шахгариба Мирзо в литературной среде тимуридского
периода 23

Halimov Sulaimon Gulomovich

The place of Shahgarib Mirzo “Devon” in the literary environment of the
Timurid period..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 48

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

ҲАЛИМОВ СУЛАЙМОН ҒУЛОМОВИЧ

**ШОҲҒАРИБ МИРЗО “ДЕВОН”ИНИНГ ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ
АДАБИЙ МУҲИТИДА ТУТГАН ЎРНИ**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2022

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2020.3.PhD/Fil 344 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ва (www.samdu.uz) ва “Ziyonet” Ахборот таълим портали (www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Эркинов Афтондил Садирхонович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Насиров Азимиддин Нормаматович
филология фанлари доктори, доцент
Раджабова Буробия Тангировна
ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклор институти етакчи
илмий ходими, филология фанлари номзоди


Етакчи ташкилот: Қарши давлат университети


Диссертация ҳимояси Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 18 март соат 10.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz.


Диссертация билан Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (28-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2022 йил “5” март куни тарқатилди.
(2022 йил “3” мартдаги 87-рақамли реестр баённомаси).




М.Қ.Муҳиддинов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, филология фанлари
доктори, профессор


Д.Б.Хурсанов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, филология фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD)


Ш.А.Ҳасанов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, филология фанлари доктори,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD)диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида халқларнинг адабий маданий меросини янада чуқурроқ ўрганиш ва уларда ифодаланган умуминсоний ғояларни кенг тарғиб этиш ҳар қачонгидан кўра кўпроқ аҳамият касб этаётир. Зеро, инсоният янги даврга қадам қўйган, ҳар бир миллий маданият глобал дунёда ўз мавқеи ва аҳамиятни сақлаб қолиш учун қизғин кураш олиб бораётган бир даврда маънавиятимиз ва маданиятимиз тамал тошларини қўйиб берган буюк мутафаккирлар, алломалар, шоиру фозилларнинг ҳаётини янада кенгроқ ўрганиш лозим. Адабиётшунослик фанида жаҳон адабий меросининг ривожланиш тенденциялари ва унинг тарихида муҳим ўрин тутувчи бадиий обидаларни тадқиқ этиш муҳим ўрин тутуди.

Дунё адабиётшунослигида темурийлар давридан, тарихда иккинчи Ренессанс сифатида из қолдирган даврдан бизгача етиб келган буюк адабий мерос, ушбу адабий муҳитда яшаб ижод этган адабиёт намояндалари ва ижодкорларнинг ҳаёти ва ижоди, хусусан, темурий шахзодаларнинг ижоди махсус тадқиқ этилмаган эди. Темурийлар даври туркий адабиёт вакилларидан бири бўлган шахзода Шохғариб Мирзо Ғарибийнинг ижодини ўрганиш адабиёт тарихи фани олдида турган долзарб вазифалардан бири эканлиги маълум. Тарихий асарлар поэтикаси, уларнинг жанрий тақомили, ғоявий-бадиий хусусиятлари шоир адабий меросига таъсир даражаси ҳамда “Девон”даги ғазалларнинг семантик таҳлилларига турли ракурслардан ёндашиш муҳим вазифа этиб белгиланди.

Янги Ўзбекистонда учинчи Ренессанс пойдевори яратилаётган экан, Президентимиз ҳақли таъкидлаганларидек, “Биз Буюк Ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган она заминимиз азалдан юксак цивилизация ва маданият ўчоқларидан бири бўлганини кўрамиз. Халқимизнинг бой илмий-маданий мероси тошга муҳрланган қадимий ёзувлар, бебаҳо меъморий обидалар, нодир қўлёмалар, турли осори атиқалар, давлатчилик тарихимизнинг уч минг йиллик теран илдизларидан далолат беради”.¹ Шунга кўра ўзбек мумтоз адабиётининг ривожидида муҳим рол ўйнаган темурийлар даври адабий муҳитига мансуб ижодкорларнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, улар қолдирган адабий меросни илмий муомалага киритиш, кенг жамоатчиликка етказиш муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ 4797-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”, 2017 йил 7 февралдаги ПФ 4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ 2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш,

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ўқитувчи ва мураббийлари куни байрамига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи.//<http://uza.uz.posts/3452>.

бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ 2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 5 июндаги ПҚ 3775-сон “Олий таълим муассаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2020 йил 19 октябрдаги ПҚ-4865-сон “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6108-сон Фармони ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.

Диссертация Республика фан ва технологиялар ривожланишининг “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожланишда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Темурийлар даври адабий муҳити шу пайтга қадар В.Бартольд, Е. Бертельс, Ҳ.Исматуллаев, Н.Маллаев, Б.Валихўжаев, Ҳ.Сулаймон, А.Қаюмов, А.Ҳайитметов, С.Ғаниева, И.Ҳаққул, М.Муҳиддинов, А.Эркинов, А.Ҳабибуллаев, Қ.Эргашев, Б.Раджабова, О.Жўрабоев, Д.Юсупова, А.Дехқонов сингари бир қатор адабиётшунослар² томонидан атрофлича тадқиқ этилган бўлса-да,

² Қаранг: Бертельс Е. Навои и Джами. – Москва: «Наука», 1965. – 499 с.; Бертельс Е. Навои. – Москва Ленинград: «Издательство АН СССР», 1948. – 269 с.; Бартольд В. Мир Али-шир и политическая жизнь // Сочинения. – Т. II (2). – Москва: «Издательство восточной литературы», 1964. – С. 199-249; Ботурхон Валихўжаев. Мумтоз сиймолар (сайланма). Тошкент 2002, Ҳайитметов А. Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан. – Тошкент: «Фан», 1970. – 328 б.; Муҳиддинов М. Алишер Навоий ва унинг салафлари ижодида инсон концепцияси (“Хамса”ларнинг биринчи дostonлари асосида): филол. фан. докт. дис. ... автореф. – Тошкент, 1995. – 60 б., Муҳиддинов М. Комил инсон - адабиёт идеали. – Т.: Маънавият, 2005. – 208 б.; Дехқонов А. Қ. “Ҳайрат ул-аброр” дostonида Бадиуззамон Мирзо васфи // Ўзбекистонда хорижий тиллар. – 2020. – № 3 (32). – Б. 236-245; Юсупова Д. Алишер Навоий “Хамса”сида мазмун ва ритмнинг бадиий уйғунлиги. – Тошкент: MUMTOZ SO’Z, 2011. – 144 б.; Юсупова Д. Алишер Навоийнинг Шохғариб Мирзога бағишланган таркиббанд-марсияси хусусида // “ALISHER NAVOIY VA XXI ASR” mavzuidagi xalqaro ilmiy-nazariy anjuman materiallari. – Toshkent: «MASHHUR-PRESS», 2020. – В 265-268; Юсупова Д. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи. – Тошкент, 2013. – 272 б.; Сулаймонов Ҳ. Маънавий бойлигимиз – Ҳиндистон фондларида // Адабий мерос. 1980. № 2 (14). – Б. 34-39; Сулаймон Ҳ., Сулаймонова Ф. Алишер Навоий асарларига ишланган расмлар. – Тошкент: Ўзбекистон ССР «Фан», 1982. – 36 б.; Ғаниева С. Сўзбоши // Алишер Навоий. Мажлисун нафоис. – Тошкент, 1961. – Б. 6-13; Исматуллаев Ҳ. «Шох Ғариб Мирзо» // Миллий тикланиш. 2000 йил, 24 август; Ёркин Ш. «Девони Ғарибий дар Ўзбекистон» // Овози тожик. 2000 йил, 21 октябрь; Ғаниева С. «Алишер Навоий ва ижодкор темурий шахзодалар // «Навоийнинг ижод олами» (мақолалар тўплами). Тошкент: «Фан», 2001. – Б.79-84; Ғаниева С. “Алишер Навоийнинг Ғариб Мирзо вафотиға ёзган марсияси” // “Адабий мерос” журнали, 2-сон, Тошкент, 1971. – Б.177; Ғаниева С. “Таъби хуб, каломи марғуб” Темурий шахзода Шохғариб Мирзо ҳақида қайдлар // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 1996 йил, 5 июль. №27; Эркинов А. Навоийнинг мухлислари томонидан тузилган яна бир девони // Ўзбек тили ва адабиёти. № 1. 2012. – Б. 8-16;; Жўрабоев О. «Хазойин ул- маоний»нинг бир

айнан ушбу даврнинг типик вакили бўлган Шоҳғариб Мирзонинг ҳаёти ва ижоди алоҳида илмий объект сифатида ўрганилмаган. Ушбу мавзуда бир қатор республика анжуманларида ва халқаро конференцияларда маърузалар қилинган, илмий тўпламларда мақолалар чоп этилганига қарамай, бу борада алоҳида, фундаментал тадқиқот олиб борилмаганлиги ана шу мавзуда илмий изланишларни бошлашимизга туртки берди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг “Алишер Навоий ижоди ва адабий таъсир масалалари” мавзудаги илмий тадқиқот ишлари режаси ҳамда ОТ-Ф8-027 рақамли “Кўлёзма манбаларнинг миллий маънавий ва адабий мерос тарғиботидаги аҳамияти” номли фундаментал лойиҳа йўналишида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Темурийлар даври туркий адабиётининг вакилларида бири бўлган Шоҳғариб Мирзо “Девон”идан ўрин олган мумтоз адабиёт жанрлари, жумладан, ғазал ва мухаммасларнинг ғоявий-семантик, лексик-стилистик хусусиятларини илмий-назарий жиҳатдан очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари

Темурийлар даври адабий муҳитининг ўзига хос тарафларини таърифлаб бериш ҳамда Шоҳғариб Мирзо Ғарибийнинг Ҳирот адабий муҳитида тутган ўрнини аниқлаш;

Шоҳғариб Мирзо Ғарибий ғазалларига ғоявий-бадий, бадий-эстетик хусусиятлар, лирик тур ва жанрлар нуқтаи назаридан Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий ижоди таъсирини кўрсатиш;

шоир ижодида илтизом, талмеҳ каби бадий санъатларнинг берилишини таҳлил қилиш;

Шоҳғариб Мирзо Ғарибий ижодини қиёсий-типологик таҳлил қилиш ва уларнинг ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти қилиб мустақиллик йилларида нашр этилган Шоҳғариб Мирзо Ғарибийнинг “Девон”ига мурожаат қилинди.

Тадқиқотнинг предмети Шоҳғариб Мирзо Ғарибий “Девон”и таркибига кирувчи турли шеърӣ жанрлардаги асарлар, уларнинг ғоявий-бадий хусусиятлари, анъана ва тажид масалалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда илмий билишнинг автобиографик, қиёсий-тарихий, таққослаш, таҳлил ва тавсиф каби усулларида фойдаланилган.

шоҳона кўлёмаси ва унинг матний хусусиятлари // Адабиёт кўзгуси. № 12. – Тошкент, 2011. – Б. 10-17; Очилев Э. Ҳайрат олами (<http://e-adabiyot.uz/uzbek/mumoz/1272-maqola.html>); Очилев Э. Барҳаёт сиймолар. – Т.: O‘zbekiston, 2012. – Б.20; Адизова И. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи (XVI–XIX аср I ярми). Тошкент: “Фан”, 2009. – Б.31. Эркинов А., Ражабов Ф. Бадиӣ ижодкорлик ва унинг манбалари масаласига доир (XIX–XXI аср боши) // “Ўзбек филологиясида матншунослик ва манбашунослик муаммолари” мавзусида республика микёсида утказилган илмий-назарий анжуман материаллари. – Наманган, 2018. – Б.47; Ҳабибуллаев А. Адабий манбашунослик ва матншунослик. – Тошкент, 2000. – Б.10.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Шоҳғариб Мирзонинг темурийлар даври адабий муҳитида тутган поэтик ўрни, унинг бадиий мероси, “Девон”даги ғазалларининг тасвир ва талқиндаги адабий-бадиий эстетик тамойилларини ҳамда лирик турдаги асарларнинг китъа, муҳаммас каби жанрий хусусиятлари очиб берилган;

Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий асарларининг Шоҳғариб Мирзо ижоди мавзу ранг-баранглиги, услуб индивидуаллигини таъминлашга таъсири, анъаналарнинг ўзаро муштарақлиги, ғоявий-бадиий жиҳатдан мукамал ғазал жанрининг майдонга келиши, туркий ғазалшунослик илмида юзага келган қонуниятлар ва янгиланишларнинг шоир ижодида намоён бўлиши асосланган;

ижодкор “Девон”ининг назарий поэтик мундарижаси, услуб феноменида тематик ранг-баранглиги, мавзу кўлами ҳамда оригиналлик ва издошлик масалалари, мумтоз шеърият ривожига кўрсатган эстетик таъсири далилланган;

шоирнинг ўзбек ва форс-тожик тилларида ёзилган ғазалларини қамраб олган Ғарибий девонида яқпора, мусалсал каби композицион тузилишли ғазалларнинг бадиий, ғоявий хусусиятларини ёритиш ҳамда мазмуний, матний, ишқий, фалсафий сингари структуравий хусусиятлари, илтизом санъатини бадиий матндаги талқини, лирик асарнинг турфа хил маъно қирраларининг намоён бўлиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

Шоҳғариб Мирзо Ғарибий ижодининг шаклланиш жараёнлари, ўрганилиш тарихи ва XV аср ўзбек адабиётида тутган ўрни бўйича маълумотлар аниқлаштирилган;

“Девон”нинг янгича ёндашувларга асосан ўрганилиши ўзбек адабиётшунослигидаги тадқиқотлар учун муҳим манбалардан бири бўлиб хизмат қилиши асослаб берилган;

шоир девонининг ғоявий мазмуни ва композицион тузилиши ўрганилган;

шоир шеъриятининг ўзбек мумтоз адабиёти анъаналарига бўлган муносабати кенг ёритилиб, салафлар ижодидан таъсирланиш қирралари очиб берилган;

“Девон”да давр ва муҳитга мансуб ўзбек ва форс-тожик тилларида яратилган лирик жанрларнинг ривожланиш омиллари қиёсий-тарихий жиҳатдан аниқланган; шоир девонидаги маънавий-маърифий, ирфоний ғоянинг бадиий қиммати, умумбашарий ғояларнинг тадқиқи жамиятда маънан етук шахсни камол топтиришдаги аҳамияти кўрсатилган;

Ғарибий девонида учрайдиган поэтик образларни талқин ва таҳлил этиш уларнинг Ғарибий лирикасида тутган бадиий-эстетик мавқеини аниқлаш имконини беради; тасаввуф таълимотининг Ғарибий ижодида тутган ўрнини янада чуқур тушунилишига олиб келади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Мавзу юзасидан чиқарилган хулосаларнинг илмий-таҳлилий ва қиёсий-типологик методлар билан асослангани, муаммонинг аниқ қўйилгани, илмий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, ишончли назарий манбалар ҳамда луғатлардан фойдаланилганлиги билан изоҳланади, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Мазкур диссертациянинг илмий аҳамияти унинг Шоҳғариб Мирзо ижодида тасаввуф ва бадиий адабиёт масалалари, поэтик ғоялар, образ ва рамзларнинг Ғарибий ғазалларида бажарадиган вазифаси муаммолари, ўзбек адабиёти тарихи, хусусан, навоийшунослик, темурий шаҳзодалар ижоди масалалари бўйича янги тадқиқотларнинг яратилишида илмий-назарий асос бўлиб хизмат қилишида кўринади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, унинг материаллари ҳамда илмий-назарий хулосаларидан олий ўқув юртларида ўзбек адабиёти тарихи, хусусан, темурий ижодкорлар бўйича маърузалар ўқиш ва семинар машғулоти олиб бориш, дарслик ва турли ўқув қўлланмалари, методик тавсияномалар тузишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Шоҳғариб Мирзо “Девон”ининг ғоявий-бадиий хусусиятлари ўрганиш натижалари қуйидаги ишларда жорий этилган:

“Шоҳғариб Мирзо Ғарибий “Девон”ининг темурийлар даври адабий муҳиtida тутган ўрни” мавзусидаги ўрганишга доир илмий-назарий натижаларидан ОТ-Ф1- 138 рақамли “Темурийлар даврида яратилган “Хамса”ларнинг компаративистик тадқиқи” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 18 декабрдаги 89-03-5343 сон маълумотномаси). Натижада талаба-ёшлар Шоҳғариб Мирзо Ғарибий даври адабиётига таъсирига доир янги маълумотларга эга бўлишган;

“Шоҳғариб Мирзо Ғарибий “Девон”ининг темурийлар даври адабий муҳиtida тутган ўрни” мавзусидаги ўрганишга доир илмий-назарий натижаларидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтининг ФА-Ф1-1002 рақамли “Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтининг 2021 йил 3 августдаги 191/1-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек мумтоз адабиётининг турфа хил лирик жанрлари ҳақидаги қарашларга муносабатлар, бадиий-эстетик тамойилларнинг давомийлиги, ворисийлик тушунчалари асосида хулосалар чиқаришга эришилган;

Шоҳғариб Мирзо Ғарибий “Девон”и ва унинг жанрлари ҳамда Ғарибий ғазалларидан “Самарқанд вилояти телерадиокомпанияси”ининг “Ғазал бўстони” кўрсатувида ва Самарқанд вилояти радиосининг “Ижод гулшани” эшиттиришида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Самарқанд вилояти телерадиокомпанияси”ининг 2020 йил 11 декабрдаги 09-01-/375 -сон маълумотномаси). Тадқиқотдаги Шоҳғариб Мирзо Ғарибий ҳаёти ва ижодига доир маълумотлар кўрсатув ва эшиттиришлар мазмун-моҳиятини бойитишга хизмат қилган;

Темурийлар даври адабий муҳити, Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро раҳнамолигида Шоҳғариб Мирзо Ғарибий ижодининг янада сайқалланиши, маънавий- ахлоқий тарбиялашдаги роли, устоз-шогирд муносабатлари, тарбия усуллари юзасидан ёшларни баркамол қилиб тарбиялашга оид амалий таклиф ва тавсиялардан Республика Маънавият ва маърифат маркази Самарқанд вилояти бўлими ташаббуси билан ўтказилган маънавий-маърифий тадбирларни ўтказилишида кенг фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат маркази Самарқанд вилояти бўлимининг 2020 йил 28 декабрдаги 86-сон маълумотномаси). Натижада халқимиз Шоҳғариб Мирзо Ғарибий ижоди ва унинг адабий муҳитидан баҳраманд бўлишган;

Шоҳғариб Мирзо Ғарибий ҳаёти ва ижодий фаолиятини давр адабий манбаларига асосланиб кенгроқ тарзда ўрганилиши, XV аср темурийлар даври адабий муҳитидаги янгилигини кўрсатиб бериши, Ғарибийнинг бадиий маҳорати ва унинг ғазалларининг ўзига хослиги, тадқиқот натижаларидан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг қатор шоир ва ёзувчиларининг назмий ва насрий асарларида қўллашда фойдаланилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2020 йил 16 декабрдаги 01-03-15/1138-сон маълумотномаси). Натижада темурийлар даври адабий муҳитининг ўзига хос тасвирларини, уларнинг поэтик анъаналарини изчиллик билан давом эттириш ҳақидаги тушунчаларга теранроқ ёндошиш учун замин ҳозирлади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида қилинган маърузаларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та иш, шу жумладан, ОАК эътироф этган журналларда 2 та, хорижий журналларда 3 та мақола нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, умумий хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, ҳажми 160 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “**Кириш**” қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, предмети ва объекти аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар

тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси кўрсатилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Шоҳғариб Мирзо ҳаёти ва ижодининг ўзига хос хусусиятлари”** деб номланиб, икки бўлимдан иборат. Биринчи фасл “Темурийлар даврига бир назар” деб номланган.

Маълумки, Марказий Осиё халқлари тарихида темурийлар даври муҳим ўрин тутди. Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Амир Темур вафотидан сўнг шаҳзодалар ўртасида тахт таллашиш, соҳибқирон асос солган йирик давлатни парчалаб, бўлиб олиш учун курашлар, ўзаро зиддиятлар авж олган бўлса-да, темурий подшоларнинг аксарияти маърифатпарвар олим ва ижодкор бўлганларидан, илм-фан, санъат ва адабиёт аҳлига ҳомийлик қилишни канда қилмаганлар. Шу боис мусулмон Шарқининг кўплаб давлатларидаги ижодкорлар темурийлар ҳукмронлик қилган ҳудудларга интилишган. Темурийлар салтанатининг ўзаро келишмовчиликлар, зиддиятларга бой даври деб номланган XV асрнинг иккинчи ярмидаги Мовароуннаҳр ва Хуросон адабий муҳити адабиётимиз тараққиётида йирик ўзгаришларга бой давр ҳам ҳисобланади. Навоий яшаган давр адабий муҳити мураккаблиги, ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Айтиш мумкинки, бу давр туркий адабиётининг ўз қаддини тиклаши, ғоя ва мазмун жиҳатдан янада мукаммаллашиб, тараққиётнинг янги босқичи – Ренессансга кўтарилиш даври бўлди. Бу даврда мингдан ортиқ шоир ва адиблар ижод майдонига кириб келди. “Ўша даврларда форс тили поэзия тили, араб тили эса илмий тил сифатида қабул қилинган эди. Расмий ёзишмалар ҳар иккала тил омехтасидан иборат эди. Туркий тилга эса авом тили сифатида қараш устувор эди. Туркий халқларнинг кўп минг йиллик давлатчилик тажрибаси ва бой маънавий-адабий мероси мўғул босқини оқибатида йўқ қилинганлиги туфайли темурийлар даврида туркий халқларнинг шонли тарихи, тили ва қадриятларини тиклаш жуда қийин кечган”.³ Ана шундай қийин шароитда туркий – эски ўзбек тили ва адабиёти ривожини учун курашган ва ўзлари шу тилда ижод қилиши билан кўплаб ёш ижодкорларга намуна бўлган Султон Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоийларнинг хизматлари катта бўлди. Ўз она тилида ижод қилувчилар сонининг ортиб, кўплаб шоирларнинг туркий тилда ижод қилиш сари йўналтирилганлигига тарих гувоҳлик беради, десак хато бўлмас. Айниқса, “Алишер Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн” асарининг яратилиши бу борадаги турли қарашларга узил-кесил нуқта қўйди. Алишер Навоий асарда адабий муҳит ҳақида, туркий адабиётнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи омилларни қуйидагича изоҳлайди: Биринчи сабаб

³ Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. – Т.: Akademnashr, 2011. – Б.3.

– туркийгўй иждокорларнинг туркий, яъни она тилининг нозиклигини, мураккаблигини билдирувчи бир неча маъноли сўзлар ва ифодаларнинг жуда кўплигидан, уларни тушуниш ва шеъриятда маҳорат билан ишлатиш машаққатидан чўчиб, осонлик сари майл қилишларидир.

Иккинчиси – идрокли сўз санъаткорлари бу йўлдаги беҳуда уринишларни кўргач, замонадаги ҳукмрон анъана доирасида қолишни ўзларига муносиб деб билганликларидир.

Учинчиси – ёш иждокорларда шундай одат бўладики, ўзига маъқул (бу табиий, албатта) асарларни тажрибали шоирларга, адибларга кўрсатиб, уларнинг эътирофига, мақтовларига сазовор бўлишни хоҳлайдилар. Бундай фикрни билдириши мумкин бўлган сўз санъаткорлари эса туркийдан бебаҳра эканликлари туфайли энди иждок йўлига кириб келаётганлар форсийга майл кўрғаздилар”.⁴ Демак, шундай вазиятда Навоийнинг туркий тилда иждок қилувчи ҳар бир иждокорга алоҳида эътибор қаратиши табиий эди.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, Алишер Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” асарига қадар яратилган тазкиралар тожик тилида бўлиб, XV асрда етишиб чиққан ва туркий тилда иждок қилувчи Амирий, Яқиний, Саккокий, Лутфий каби юзлаб адабиёт намояндалари тўғрисида тазкиралар яратиш эҳтиёжи юзага келган эди. Шу боис Алишер Навоийнинг “Хамса” дostonлари, “Мажолис ун-нафоис” асари, XV аср адабий муҳити, шунингдек, туркий тилда иждок қилган темурийлар тўғрисида ҳам қимматли маълумот берувчи манба ҳисобланади.

Бизнинг ўрганиш объектимиз бўлган **Шоҳғариб Мирзо – Ғарибийнинг** ҳаёти ва иждодини таҳлил қилишдан олдин темурийлар даврининг ўзига хос хусусиятлари, адабий муҳити ҳақида қисқача фикр юритишимизга тўғри келади.

Алишер Навоий асарларида шоир яшаган давр сиёсий воқеалари, давлат бошқаруви, Ҳусайн Бойқаро саройидаги зиддиятлар, фитналар ҳам ўз ифодасини топган. Шунинг учун ҳам Алишер Навоийнинг темурий подшоҳлар ва шаҳзодаларга бўлган муносабати унинг асарларида у ёки бу тарзда намоён бўлади. Алишер Навоий нафақат арбоб ёки салтанатдаги масъул шахс, балки оддий инсон сифатида мамлакат тинчлиги, юрт ободлиги учун жон куйдирди. Ўзининг асарларида бадиий образларни намуна қилиб келтириш ёки Шарқ адабиётига хос бўлган адресат бағишлаш услуби билан Султон Ҳусайн Бойқаро ва унинг фарзандларини тўғри йўлга бошқаришга интилди. Шоирнинг бу борадаги тўғри ва аниқ фикрлари унинг туркий тазкирачилигининг илк намунаси бўлган “Мажолис ун-нафоис” (“Гўзал мажлислар”) асарида яққол кўзга ташланади. Асарнинг эътиборли жиҳати шундаки, унда темурийлар ҳукмронлиги остида бўлган Хуросон ва қўшни мамлакатларда яшаган 459 нафар шоир ва олимлар тўғрисида маълумот

⁴ Ғаниева С. “Таъби хуб, каломи марғуб” Темурий шаҳзода Шоҳ Ғариб Мирзо ҳақида қайдлар // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 1996 йил, 5 июль. №27.

берилган. Бу ҳақда Иззат Султон тўғри таъкидлаб ўтганидек, “ҳақиқатан санъат ва адабиётга ишқибозлик, шеър машқ қилиш ёки шеърлар эшитиб, шеърят ҳақида музокара олиб бора билиш темурийлар орасида одат тусига кирган эди, ҳақиқий гўзал ҳаётнинг нормаси бўлиб қолган эди.”⁵

“Мажолис ун-нафоис” илмий асар тартиб ва қоидалари асосида ёзилган бўлиб, саккиз қисм – “мажлис”дан ташкил топган. Асарнинг дастлабки мажлисларида Алишер Навоий ўзидан олдин яшаб ўтган ижодкорлар тўғрисида, ўзига замондош бўлган шоирлар тўғрисида маълумот берса, 5-6 - мажлисларда темурийлар даврида Хуросон, Самарқанд, Хоразм, Қарши, Бадахшон, Қазвин, Сова, Кирмон, Шероз каби шаҳарлардаги ижод аҳли тўғрисида маълумот беради. Асарда 7-8-мажлис темурийларга, хусусан, 7-мажлис келиб чиқиши темурийларга мансуб бўлган шоирларга, 8- мажлис эса Султон Ҳусайн Бойқарога бағишланган. Бу бобда Алишер Навоий дўсти Ҳусайн Бойқарога ҳукмдор ва нозик дидли шоир сифатида ўз муносабатини билдиради, унинг шеърларидан намуналар келтириш бадиий жиҳатдан етук ижодкор эканлигини кўрсатиб беради. Ҳар бир ижодкор тўғрисида маълумот беришда ўрни билан ижодидан намуналар ҳам келтирилган.

Бобнинг иккинчи фасли “**Шоҳғариб Мирзо ҳақидаги илк маълумотлар ва манбалар**” деб номланади. XV аср Шарқ илм-фани, маданияти тараққиёти тарихида Ренессанс деб эътироф этилган ўзига хос бир давр бўлди. Ушбу сўзларнинг исботи сифатида, шуни таъкидлаш жоизки, темурий ҳукмдор Султон Ҳусайн Бойқаро даврига келиб минглаб шоиру адиблар, хунарманд ва санъаткорлар, олиму фузалолар бадиий асарлар яратибгина қолмай, ўзига хос адабий муҳит яратдилар. Бу ижодий муҳитда султон ва унинг фарзандларининг ҳам йирик ижодкорлар қаторида ўз ўрни бор. Туркий ва форс-тожик тилларига юксак эҳтиром билан қараган темурий шаҳзодалардан бири Шоҳғариб Мирзо бўлиб, унинг таҳаллуси Ғарибийдир. У Ҳусайн Бойқаронинг иккинчи ўғли бўлиб, онаси Хадичабегим эди.

Шоҳғариб Мирзонинг шоирлик кудрати, инсонийлик фазилатлари, унинг адабий мероси ва девони тўғрисида Алишер Навоий ўзининг “Мажолис ун-нафоис” тазкирасида маълумотлар келтирган. Жумладан, “шўх таъблиғ ва мутасарриф зеҳнлик ва нозук тахайюллуқ ва дақиқ тааққуллуқ йигитдур. Назм ва насрда назир маъдум ва мутаханйила ва ҳофизада адили номаълум. Ов ва қуш хотириға марғуб ва қурро ва ўқуш кўнглига маҳбуб⁶” деб ёзади ва Шоҳғариб Мирзонинг ўзбек тилидаги учта ва иккита форсийдаги ғазалларидан матлаъларни келтиради.

“Бу матлаъ анингдурким:

*Қайси бир гулчеҳра ул гулбарги хандонимча бор,
Қайси бир шамшод қад сарви хиромонимча бор?*

Бу матлаъ ҳам яхши воқеъ бўлутурким:

⁵ Султон И. Навоийнинг қалб дафтари. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Бадиий Адабиёт нашриёти, 1969. – Б. 28.

⁶ Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис”. www.ziyouz.com кутубхонаси.– Б. 97.

*Тарки меҳр айлаб агарчи бўлди жонон ўзгача,
То тирикман, қилмағумдур аҳди паймон ўзгача.
Бу матлаи хос хаёл ва гариб адо топибдурким:
Порсо ёримга май ичмак шиор ўлмиш яна,
Баски тортарман сабу, эғним фиғор ўлмиш яна.*

Алишер Навоий Шохғариб Мирзонинг қуйидаги форс тилидаги матлаъни жуда чиройли ёзилган деб келтиради:

*Бозам балои жон гами он моҳпора шуд,
Эй вой, он маризки дардаш ду бора шуд.*

(яъни, яна ўша ой каби гўзалнинг ғами жонимга бало бўлди.

Эй вой, ўша касалликнинг дарди икки баробар ошди.)

Бундан ташқари, шоир кейинги матлаъни “бағоят ошиқона ва мухлисона ва матаассирона воқеъ бўлубтурким”, – деб таърифлайди:

*Дўстон, ҳар гаҳ гузар сўи мазори ман кунед,
Жои такбирам дуои жони ёри ман кунед⁷.*

(яъни дўстлар, гоҳо мазорим томон келиб туринг. Менга фотиҳа ўқиш ўрнига ёримнинг дуои жонини қилинг).

Алишер Навоий фикрларини қуйидаги жумлалар билан яқунлайди:

“Девон ҳам жамъ қилибдур, яхши матлаъ, бу мухтасарға сиғмас, магар яна бир китоб битилгай”.

Шуниси характерлики, Алишер Навоий Шохғариб Мирзо ҳақида гапирганда унинг жисмоний камчилиги тўғрисида маълумот бермайди. Бу маълумотлар Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарларида учрайди. “Бобурнома”да эса Шохғариб Мирзо тўғрисида “Яна Шохғариб Мирзо эди, букри эди. Агарчи ҳайъати ёмон эди, таъби хўб эди. Агарчи бадани нотавон эди, каломи марғуб эди. “Ғарибий” тахаллус қилур эди, девон ҳам тартиб қилиб эди, туркий ва форсий шеър айтур эди. Бу байт анингдурким:

*Дар гузар дидам парирўе шудам девонаваш,
Чист номи, ў, кужо бошад надонам хонааш.*

Неча маҳал Ҳирий ҳукуматини Султон Ҳусайн Мирзо Шохғариб Мирзога бериб эди. Отасининг замонида ўқ нақл қилди. Андин ўғул, қиз қолмади” – деган маълумотлар мавжуд⁸.

Алишер Навоий ўз таърифида асосий эътиборни Шохғариб Мирзонинг қобилияти, салоҳиятига қаратган бўлса, Бобур Мирзо ёш шоирнинг насл-насаби, қиёфаси ҳамда асарлари хусусида ҳам хабар беришга интилган эди.

Юқорида тилга олганимиз, Навоий адабиётга, шеъриятга меҳр қўйган ҳар қандай ёшлар қатори келгусида мамлакатни бошқариши мумкин бўлган шахзодаларга хамиша ўз ўғитларини бериб борган. Уларни ўз фарзанди каби ардоқлаб тарбиялаган.

⁷ Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис”. www.ziyouz.com кутубхонаси. – Б. 97.

⁸ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. “Бобурнома”. – Тошкент: “Юлдузча”, 1989. – Б.149.

Тадқиқотнинг “**Шоҳғариб Мирзо ижоди ва лирикасининг жанр хусусиятлари**” деб номланган иккинчи боби уч фаслдан иборат бўлиб, биринчи фасл “Шоир ижодининг ўзига хос жиҳатлари” деб аталади. Унда Ғарибий ижодига адабий муҳитнинг таъсири масалалари ҳақида сўз юритилган. Амир Темур ва ундан кейинги темурийлар даврида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари қатори илм-фан ва ижоднинг гуллаб яшнашида ўша даврда юзага келган адабий муҳит ҳам муҳим ўрин тутади. Давр адабий муҳити тўғрисида маълумот берувчи манбалар кўп.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, Навоий яшаган даврда Мовароуннаҳрда мингдан ортиқ ижодкорлар бўлиб, улар турли ижтимоий табақага мансуб бўлган турли касб эгалари бўлишган. Навоийнинг “Мажолис ун-нафоис” асарида келтирилган маълумотларга қараганда, бу ижодкорлар орасида шоҳдан тортиб шаҳзодаю амирлар, илм аҳлидан тортиб хунарманд ва деҳқонлар, мударрисдан тортиб талабаларгача мавжуд бўлган. Биргина шу маълумотнинг ўзиёқ темурийлар даврида бадий ижодга алоҳида эътибор қаратилганлигидан далолат беради. Амир Темурнинг туркий тил имкониятларини кенгайтириш борасидаги ҳаракатлари унинг бадий адабиёт ривожига бўлган эътиборида ҳам кўринади. Амир Темур буюк салтанат эгаси сифатида мамлакат ҳудудида туркий тил қаторида форсий адабиёт ривожини ҳам имконият яратиш берди. У бир тилнинг улуғланиб, бошқасининг камситилишига йўл қўймади, ҳар икки тилда ижод қилувчиларга бирдай муносабатда бўлди. Амир Темур ўз тилига бўлган ҳурмати боис ўз тузукларини ва кўплаб расмий ҳужжатларни, дипломатик ёзишмаларини туркий, яъни ўзбек тилида ёзди. Соҳибқироннинг ўзбек тилига бўлган муносабати мамлакат ҳудудида туркий тилнинг давлат тили сифатида қўлланиш имкониятлари кенгайтиришига, нуфузининг ошишига шароит яратди. Бир вақтлар Алишер Навоий яшаган даврда Ҳусайн Бойқаро Ҳирот ва унинг атрофларида мингга яқин инсон шеър ёзиш билан шуғулланишини таъкидлаб ўтганди. Бугунги кунга қадар бу минг шоирдан фақат бир қисмининг шеърлари бизгача етиб келган. Агар ўз вақтида шу шоирлар барча шеърларини қоғозга туширганларида биз мазкур минг шоир ижоди ҳақида кўпроқ тасаввурга эга бўлган бўлардик.⁹ Навоий ўзининг “Мажолис ун-нафоис” асарида тўғри таъкидлаб ўтганидек, Амир Темур ва темурийлар даврида етишиб чиққан ижодкорларнинг кўпчилиги, бир қатор темурийзодалар туркий тилда бадий асарлар яратдилар. Шунинг учун бу даврда яратилган тазкираларда темурийлар саройида ижод қилган бир қанча туркий тилли ижодкорлар алоҳида ҳурмат билан тилга олинади.

Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятини темурийлардан айро ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Навоий назарига тушган ва унинг меҳри ва ҳурматиغا сазовор бўлган темурий ижодкорлардан бири Шоҳғариб Мирзо

⁹ Эркинов А., Ражабов Ф. Бадий ижодкорлик ва унинг манбалари масаласига доир (XIX–XXI аср боши) // “Ўзбек филологиясида матншунослик ва манбашунослик муаммолари” мавзусида республика миқёсида ўтказилган илмий-назарий анжуман материаллари. – Наманган, 2018. – Б.47.

Ғарибий эди. Шоир ўзининг кўплаб асарларида бу темурий шаҳзода тўғрисида маълумотлар беради. Навоий ўзининг “Мажолис ун-нафоис” асарида кўплаб темурий шаҳзодалар қатори Шоҳғариб Мирзо Ғарибий ижодига ҳам тўхталиб ўтади, унинг ижодидан намуналар келтиради. “Хамса”нинг “Фарҳод ва Ширин” достонида ҳам Шоҳғариб Мирзо Ғарибийга тўхталиб ўтади, унинг ҳам инсон сифатида, ҳам ижодкор сифатидаги ўзига хос хусусиятларини тавсифлайди, бадиий ижодда ёш бўлса-да, кўпчилик ижодкорлардан устунликка эгаллигини, илму ҳикматда ўзига хослиги, ўткир зеҳли эканлигини эътироф этади.

Бобнинг иккинчи фасли **“Шоҳғариб Мирзо “Девон”нинг жанр хусусиятлари”** деб номланган.

Шоҳғариб Мирзо Ғарибий тўғрисидаги маълумотлар Бобур ва бошқа ижодкорлар асарларида ҳам учрайди. Халқаро Бобур мукофоти лауреати Шафиқа Ёркин ва Хайрулло Исматуллаевларнинг Шоҳғариб Мирзо Ғарибий тўғрисида тўплаган маълумотлари, Ҳамид Сулаймон, Суйима Ғаниеваларнинг бир қатор мақолалари бу борадаги тадқиқотлар кўламини кенгайтди. Айниқса, 1999 йил сентябрь ойида Бобур номидаги халқаро жамғарманинг таклифига биноан доктор Ян Ҳонзель бошчилигида бир ҳайъат Германиядан Тошкентга келиши ва ҳайъат, жамғарма илтимосига кўра, темурийлар сулоласидан бўлмиш Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаронинг ўғли Шоҳғариб Мирзо Ғарибийнинг Ҳамбург Миллий кутубхонасида сақланиб келаётган кўлёзма девони нусхасини келтириб топшириши Шоҳғариб Мирзо Ғарибийнинг ижодини кенгроқ миқёсда тадқиқ этишга имконият яратди. Биз ана шу тадқиқотларга ва шоир қаламига мансуб девонга асосланган ҳолда Шоҳғариб Мирзо Ғарибий ижоди тўғрисида фикр юритиш имконига эга бўлдик.

Ғарибий ўз ижоди билан замондошлари томонидан эътироф этилган бўлса-да, асосан мумтоз адабиётнинг ғазал жанрида ижод қилган. Унинг ўзбек ва форсий тилда ёзган ижодида беш парча мухаммас ва бир парча қитъадан ташқари, қолган барчаси ғазал жанрида ёзилган. Бу ҳолат нафақат Шоҳғариб Мирзо Ғарибий ижодида, балки унга замондош бўлган Бобур каби ижодкорлар адабий меросида ҳам кўзга ташланади. Буни Ғарибийнинг ижодда асосан отаси Султон Ҳусайн Мирзо ижодидан илҳомлангани билан изоҳлаш мумкин. Султон Ҳусайн Мирзо Ғарибийга ота бўлиш баробарида ўзи ҳам ижод билан шуғулланган, дилбар ғазаллар ёзган. Бу эса табиийки, бадиий ижодга мойил бўлган нозиктаб Ғарибий ғазалларида ҳам ўз аксини топган. Ғарибий ижодида шарқона одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя қилинганлиги ғазалларида яққол кўзга ташланади. Шоҳғариб Мирзо ғазалларида дунё, инсоний муносабатларга шоирнинг муносабати ўзгача қиёфада намоён бўлади, шунга боғлиқ ҳолда ёр, бода, ишқ каби кўплаб сўзлар кенг маънода, яъни бир ўринда ўз маъносида, бошқа ўринда эса мажозий маънода қўлланилган. Ғарибий ғазалларидаги тимсоллар маъносини англаш учун масалага ўша давр нуқтаи назаридан ёндашиш

лозим бўлади. Шоҳғариб Мирзо шоирлик билан чекланмасдан, ислом дини қонун-қоидалари, тасаввуф таълимотига доир илмий-назарий манбалардан яхши хабардор бўлган ва бу унинг ижодида ҳам акс этган.

Шоҳғариб Мирзо Ғарибий ижодида қўлланилган бадиий санъатлар орасида илтизом санъати ўзига хослиги билан ажралиб туради. Илтизом санъати дейилганда бир сўзни бирор парчанинг барча мисра ёки байтларида қўллаб, шу сўзнинг муҳимлигини таъкидлаш тушунилади. Умуман олганда, илтизом қоидалари асосида ғазал битиш, таъкидланган сўзнинг ғазал давомида янги маъно қирраларини намоён этиши Ғарибий лирикасининг ўзига хослигини кўрсатувчи муҳим хусусиятларидан бири ҳисобланади. Ғазалда илтизом қоидаларига кўра маълум сўзни таъкидлаш билан матн мазмунига нозик фалсафий ғояларни сингдириб юбориш, Яратганга бўлган илоҳий ишқ ва унга кўприк бўлувчи мажозий ишқ, ҳижрон туйғулари деярли ҳар бир ғазалда бўртиб туради. Бунда у турли тимсоллар воситасида бу санъатнинг нодир намуналарини яратишга муваффақ бўлади.

“Шоҳғариб Мирзо ғазаллари”ни ўрганишга бағишланган учинчи фаслда шоир ижодининг жанрий кўлами тўғрисида сўз юритилган.

Ғарибийнинг девони тузилишига кўра, қайсидир даражада, Навоий девонларига ҳамоҳангдир. Навоийнинг девон тузишда араб алифбосига алоҳида эътибор қилганлиги кузатилади. Девоннинг аввалида Ғарибийнинг *алиф* ҳарфидан *ё* ҳарфигача бўлган форсча шеърлари куйидагидек жойлашган: *алиф* ҳарфида 4 ғазал, *то (т)* ҳарфида 1 ғазал, *дол* ҳарфида 17 ғазал, *шин* ҳарфида 2 ғазал, *қоф*, *лом* ва *вов* ҳарфларида бир ғазал, *мим* ҳарфида 4 ғазал, *нун* ҳарфида 3 ғазал, *ё* ҳарфида 4 ғазал. Ғазаллардан ташқари, 1 қитъа ва Жомий ғазалига боғланган 7 бешликдан иборат бўлган мухаммас ҳам бор. Ғазалларнинг барчаси 7 байтли бўлиб, фақат бир ғазал 6 ва бир ғазалу бир қитъа 5-5 байтлидир. Шу тарзда, Ғарибийнинг форсча мероси 37 ғазал, бир қитъа ва бир мухаммас бўлиб, умумий ҳажми 278 байту бир мисра ёки 557 мисра шеърдан иборат. Аммо, ўзбекча шеърлари форсча шеърларига нисбатан кўпроқ бўлиб, куйидагича:

Алиф ҳарфида 7 ғазал, *то(т)* ҳарфида 1 ғазал, *ре* ҳарфида 8 ғазал, *зи* ҳарфида 2 ғазал, *шин* ҳарфида 5 ғазал, *қоф* ҳарфида 1 ғазал, *қоф* ҳарфида 2 ғазал, *гоф* ҳарфида 6 ғазал, *лом* ҳарфида 7 ғазал, *мим* ҳарфида 7 ғазал, *нун* ҳарфида 10 ғазал, *ҳо* ҳарфида 9 ғазал ва *ё* ҳарфида 11 ғазал. Ғазаллардан ташқари девонда тўртта мухаммас ҳам мавжуд. Буларнинг учтаси Навоий ғазалига ва биттаси Султон Ҳусайн Мирзо Бойқаро-Ҳусайний ғазалига боғланган. Девонда 68 ғазал 7 байтли бўлиб, икки ғазал 9 байтли, қолган ғазаллар 6 байтлидир. Мухаммасларнинг учтаси 7 банддан ва биттаси эса 9 банддан иборат, Бу ҳисобда, Ғарибийнинг ўзбекча адабий меросини 76 ғазал ва 4 мухаммас ташкил қилиб, уларнинг умумий ҳажми 605 байт ёки 1210 мисрага етади. Форсчаю ўзбекча девоннинг ҳажми 883 байту бир мисра ёки 1767 мисра шеърдир. Девоннинг шу нусхаси ҳозир Бобур номидаги халқаро жамғарманинг “Бобур ва жаҳон маданияти” номли китоблар музейидан жой олган бўлиб, девоннинг Андижон нусхаси номи билан сақланмоқда.

Диссертациянинг учинчи боби “**Навоий ва Шоҳғариб Мирзо**” деб номланган бўлиб, у уч фаслдан иборат. “**Навоий анъаналарининг Шоҳғариб Мирзо томонидан давом эттирилиши**” деб юритилувчи биринчи фаслда шоирнинг ижодкор сифатида шаклланишига Хусайний, Навоий ва Жомийнинг таъсири тўғрисида фикр юритилади. Шоҳғариб Мирзо бошқа адабий салафлардан кўра ҳар жиҳатдан шеър ёзишда Алишер Навоий ва падари бузруквори Султон Хусайн Бойқародан илҳомланганлиги, шеър муסיқийлигини ошириш учун муסיқали сўзларни танлаш, сўзларни такрорлаш, бир жойдан чиқадиган ундош ҳарфларни ёнма-ён келтириш, ҳар байт ё ҳар мисрани бир сўз билан бошлаш каби усуллардан фойдаланганлиги кўрсатилган.

Бобнинг иккинчи фасли “**Шоирнинг Навоий ғазалларига боғланган мухаммаслари таҳлили**” деб номланган бўлиб, бу фаслда мантиқан ва мазмунан юқоридаги фаслда баён қилинган фикрлар изчил давом эттирилган. Унда шоир ижодида қўлланилган мумтоз шоирлар ижодида деярли учрамайдиган образ ва бадий тасвирларнинг турли кўринишлари таҳлил қилинган. Ғарибийнинг “эрур” радифли ғазалида туркий ислом шеъриятда илк марта “икки ёр” муҳаббати масаласи олиб чиқилган бўлса, айрим шеърларда “йигит” деб аталган образ бош қаҳрамон даражасига олиб чиқилганлиги тасаввуф нуқтаи нзаридан изоҳланган.

